



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

201 A Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2019-yil 10-aprel, chorshanba \* № 4 (1118)

\* 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

\* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

\* www.uzhurriyat.uz

## ТУРИЗМ ТАРФИБОТ БИЛАН ТИРИК

Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги ошишига хизмат қилувчи долзарб ахборот ресурсларини, жумладан юртимизнинг ноёб тарихи, ўтган буюк алломалари ва олимлари, диққатга сазовор жойлари, миллий таомлари, аъёналари ҳақида ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратиш ва тарқатиш зарур.

⇒ 2-бет

## ҚАЙГА БОРАЙИН ДАЪВОГА?

Ўзбошимчилик билан қурилган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Бундай мулкка эгалик ҳуқуқини эътироф этилиши учун фуқаролар кимга ва қаерга мувожаат қилиши керак?

⇒ 3-бет

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан улуг аждодларимизнинг муборак номлари, хотирасини тиклаш, бой меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буни айтиш кунларда Амир Темури таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган кўпдан-кўп тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

⇒ 6-бет

### ► Ҳамкорлик

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла ҲАКИМОВ шу йилнинг 24-30 март кунлари Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрида "Дунёда тинчлик ва бунда журналистнинг ўрни" мавзuida ўтказилган бутунжаҳон журналистлари конференциясида иштирок этди. Сафар доирасида Жанубий Корея Журналистлари ассоциацияси билан ҳамкорлик келишуви имзоланди. Уюшмамиз раиси билан мазкур нуфузли анжуман ва сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

## Журналистлар эзгу гоёлар атрофида бирлаша, дунё бирлашади

— Корея давлатчилиги илди, маълумотларга қараганда, Х асрга бориб тақалади. Бизнинг тилимизда айтганда, Курия давлати, ўз тарихида Чосон деб ҳам юритилган, — дейди С.Ҳақимов. — Маълум йилларда маҳдуд бир ҳаётни бошидан ўтказган. Утган асрдаги рус-япон урушидан сўнг Япония таркибида бўлган. Иккинчи жаҳон урушида Япония мағлубиятга учраган, Корея халқи қарама-қарши сиёсий қучлар томонидан иккига, яъни шимолий ва жанубий бўлақларга бўлиб ташланган. Жанубда Корея Республикаси, шимолда эса Корея Халқ Демократик Республикаси пайдо бўлди. Утган асрнинг эллигинчи йилларида бўлган уч йиллик Корея уруши орадаги жарликни янада чуқурлаштириб юборган.

Бу икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган бир қатор учрашувлар ва дунё давлатларининг тинчликка қаратилган сиёсий иродалари туфайли 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб Корея ярим оролида янги дунё бошланди. 2018 йилда Пхенчханда бўлиб ўтган қишки Олимпия ўйинларида икки давлат вакиллари биргаликда бир жамоа сифатида иштирок этди ва бу ҳолат айтиш мумкинликлар ўртасидаги ке-

лишуви ва ҳамкорликнинг бошланиш нуктаси сифатида қаралмоқда.

2019 йилнинг февраль ойида иккала давлат 2020 йилда Токиода ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида биргаликда иштирок этиш бўйича ариза берган. Бундан ташқари, 2032 йилги ёзги Олимпия ўйинларини ҳам биргаликда қабул қилиш бўйича кўшма саъй-ҳаракатларни бошлаган. Умумий темирйўл тармоқлари қатнови йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги кунда Корея ярим оролидаги зиддият баҳорда қорлар эригандек, илқлашиб бормоқда.

Шу йил 24-30 март кунлари Сеул шаҳрида бўлиб ўтган "Дунёда тинчлик ва бунда журналистнинг ўрни" мавзuida журналистлари конференцияси, энг аввало, мана шу тарихий ўзгаришларнинг самараси дейиш мумкин. 50 давлатдан оммавий ахборот воситаларининг 70 нафар вакили иштирок этган мазкур анжуманда Корея ярим оролида бамисоли "икки вуқуд бир қалб" бўлган Корея халқининг "бир жону бир тан" бўлиш сари қўяётган эзгу қадами дунё ахли учун бирдек аҳамиятли экани ҳақида сўз борди.

4



## Дўмбиранинг мангу садоси

Жўшқин Жайхун сувидан дарахтлар сахро шамолларига кўксини қалқон қилиб кўқарса, дарёдан ташналигини қондирган болалар куч-қудратли, ор-номусли бўлиб улғаяди.

Ёз бўлса, йиловим Аму ёқаси

Мен бўламан Бойсун — Кўнғирот тўраси, — дея ўзини танитади Алпомиш қалмоқ юртига борганда.

Қоражон билан кучоқ очиб кўришганда Алпомишнинг қудратини кўрасиз:

"Алпомиш билан Қоражон ёйди қулочди, хулқи муҳаббат билан кўришди:

— Қалайсан, дўстим, омонмисан? — деб сикинқираб юборди, Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди: — Нима қилди, дўстим? Қоражон сир бой бермаган киши бўлиб:

— Бола кунда тутадиган қуёнчик касалим бор эди, шулу шу вақт тутиб қолди, —

деди. Алпомиш айтди: — Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса.

Қоражон айтди: — Ростингни айтгин, шулу кўришганимми, уришганимми?"

Тўқсон баҳодирга бас келадиган вафодор Барчиннинг гаплари ҳам мардона:

Мардлар олишмайди, ситаб отади,

Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади. Мен Алпомиш ва Барчин-

нинг Амударё соҳилларида умргузаронлик қилганига ишонаман. Зотан, улар шу табарруқ замин ахлининг орзу-умидидан тугилган, болаларнинг қалбида улғайиб борган, асрлар ўтиб мангу кўшиққа айланган.

Бахшилар қалб тўрида асраб келаётган халқ достонлари, достонлардаги қаҳрамонлар ибрати ота-болаларимизнинг умрини безаган, тунларини чароғон қилган.

Амударё гоҳ жўшқин, гоҳ тошқин бўлиб йилларни, асрларни тўлқинида оқизиб кетган бўлса-да, соҳилида яшнаган маконлар, қуйилган достонлар қолган. Бу тўлқинлар оҳанги Алпомиш, Барчин, Қалдирғоч, Қоражон, Гўрўғли, Авазхон жасоратларини ёдимизга солаверди.

3

### ► Уюшма фаолиятдан

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида XIV "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

## Ташкилий қўмита йиғилиши

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва зирлиги, Ташқи ишлар ва зирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Uzgeroft" ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Касаба уюш-

малари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди каби бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этиши учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

— Танлов телевидение, радио, босма ОАВ ва интернет-журналистика йўналишлари

4



## Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" XIV Миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" XIV миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади.

6

### ► Китобхонлик

Президентимизнинг маънавият, маърифат соҳалари ривожига кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги боис, юртимизда китобга қайтиш, китобхонлик масаласи бугунги кунда каттаю кичикнинг энг сеvimли машғулотларидан бирига айланди.

## Раҳбарларнинг сеvimли асарлари

Жорий йилнинг 19 март кунини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишда мамлакатимиз Президенти ижтимоий, маънавий-маърифий ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Жумладан, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш каби бир қанча масалаларга эътибор қаратди. Юртбошимиз "Хар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб,

китобхонликни ривожлантириш билан фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади", дея таъкид этган. Бунга жавобан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўз шахсий кутубхонасидан 82 дона китобни Жарқўрғон туманидаги 5-мактабга ҳадя қилди.

Президентимизнинг бу эзгу таъкидини турли даражадаги бошқа раҳбарлар ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Қуйида эса "Hurriyat" муштарийлари эътиборига сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилаётган қизиқарли мавзулардан бири бу — бугунги куннинг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб,

**Абдусалом АЗИЗОВ** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси:

Амир Темури "Темури тузуқлари", Марсель Брион. "Менким, Соҳибқирон — Жаҳонгир Темури", Лев Толстой. "Уруш ва тинчлик".

**Баҳодир ҚУРБОНОВ** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири:

Амир Темури "Темури тузуқлари", Эрих Мария Ремарк. "Уч оғайни", Габриэль Гарсия Маркес. "Ёлғизликнинг юз йили".

**Иномжон МАДЖИДОВ** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири:

Этель Лилиан Войнич. "Сўна", Пиримкул Қодиров. "Уч илдиш", Жек Лондон. "Мартин Иден".

**Бахтиёр МИРЗОБОВ** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси:

Муҳаммад Али. "Улуғ салтанат" (4 жилдли), Ойбек. "Навоий", Абдулла Қодирий. "Ўткан кунлар".

**Убайдулла МИНГБОВ** — Ўзбекистон Республикаси судьялар олий кенгаши раиси:

Тоҳир Малик. "Одаимийлик мулки", Харольд Лэмб. "Бобур-йўлбарс", Алишер Навоий. "Ҳамса".

**Қаҳрамон КУРАНБОВ** — Ўзбекистон Ёшлар иттиқоти раиси:

Амир Темури "Темури тузуқлари", Абдулла Қодирий. "Ўткан кунлар", Муҳаммаджон Қуронов. "Болам бахтли бўлсин десангиз".

**Дилмурод НАБИЕВ** — Жисмоний тарбия ва спорт вазири:

Муҳаммад Юсуф ва Владимир Маяковский шеърлари, Лев Толстой. "Уруш ва тинчлик", Абдулла Қодирий. "Ўткан кунлар".

**Бехзод МУСАЕВ** — Давлат солиқ қўмитаси раиси:

Фёдор Достоевский. "Жиноят ва жазо", Александр Беляев. "Профессор Доуэлнинг боши", "Ариэль", Александр Дюма. "Қиролича Марго", Шунингдек, Б.Мусаев Эркин Воҳидов ижодини ёқтиришини таъкидлаган.

2

# Раҳбарларнинг сеvimли асарлари

**1** **Муроджон АЗИМОВ** – **Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона кўмитаси раиси:** Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Муҳаммад Юсуф шەърий тўпламлари, Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар», Чингиз Айтматов асарлари.

**Владимир НОРОВ** – **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби:** Пиримқул Қодиров. «Юлдузли тунлар», Дейл Карнеги. «Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида» («How to Win Friends and Influence People»), Ли Куан Ю. «Учинчи дунё мамлакатларидан — биринчига. Сингапур тарихи (1965-2000)», Шунингдек, В.Норов ёзувчи Нассим Николас Талебнинг «Мўртликка қарши — хаосдан фойда олиш» («Antifragility — Как извлечь выгоду из хаоса») асарини ҳам тавсия қилган.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ** – **Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазир:** Исажон Султон. «Ҳазрати Ҳизр изидан» ҳикояси ва «Генетик» романи, Жеймс Уотсон. «Кўшалок занжир», Бенжамин Льюин. «Генлар», Шунингдек, И.Абдураҳмонов Иқбол Мирзо ижодини ҳам сеvim муролаа қилишини таъкидлаган.

**Комил АЛЛАМЖОНОВ** – **Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори вазифасини бажарувчи:** Никколо Макиавелли. «Хукмдор», Амир Темур. «Темур тузуклари», Антуан де Сент-Экзюпери. «Кичик шаҳзода».

**Абдулазиз АҚКУЛОВ** – **Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси в.б.:** Худойберди Тўхтабоев. «Сариқ девни миниб», Ўткир Ҳошимов. «Дафтар хошиясидаги битиклар», Тоҳир Малик. «Шайтанат».

**Умид АҲМАДЖОНОВ** – **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раиси:** Саид Аҳмад. «Уфқ», Александр Дюма. «Граф Монте Кристо», Ахбор Имомхўжаев. «Аср футболдаги асл кадронларим».

**Алишер ХОДЖАЕВ** – **Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси:** Анатолий Кондрашов (тузувчи). «Буюк инсонларнинг буюк фикрлари» («Великие мысли великих людей. Мудрость тысячелетий»), Грэхем Даулинг. «Маркетинг илми ва санъати» («Наука и искусство маркетинга»), Амир Темур. «Темур тузуклари».

**Жаҳонгир ГАНИЕВ** – **Ўзбекистон Республикасининг Испания Кирилликдаги Фавкулда ва мухтор элчиси:** Робриль Гарсия Маркес. «Елгизликнинг юз йили», Фёдор Достоевский. «Ўлик уйдан мактублар», Михаил Булгаков. «Театральный роман».

**Набижон ҚОСИМОВ** – **Ўзбекистоннинг Германия Федератив республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:** Ронда Берн. «Тайна» («Secret»), Дейл Карнеги. «Дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш тўғрисида» («How to Win Friends and Influence People»), Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар».

**Сардор РУСТАМБОВЕВ** – **Ўзбекистоннинг Франция Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси:** Сухбатдошимиз сеvimли асарлари ҳақида гапирар экан, энг аввало Курьони Кармини ёдга олди. Теодор Драйзер. «Моляччи», «Титан» ва «Матонатли» трилогияси, Михаил Булгаков. «Уста ва Маргарита», Айн Рэнд. «Атлант елка қоққанда» (Atlas Shrugged).

**Эркинжон ТУРДИМОВ** – **Самарқанд вилояти ҳокими:** Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён», Марсель Брион. «Амир Темур», «Менким, Сохибқирон — Жаҳонгир Темур», Чингиз Айтматов. «Ок кема», «Эрта қайтган турналар».

**Шухратбек АБДУРАҲМОНОВ** – **Андижон вилояти ҳокими:** Ли Куан Ю. «Учинчи дунё мамлакатларидан — биринчига. Сингапур тарихи (1965-2000)», Заҳриддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома» Амир Темур. «Темур тузуклари», Шунингдек, Ш.Абдураҳмонов Муҳаммад Юсуф шەърийатини ҳам сеvim ўқишини маълум қилди.

**Фоғуржон МИРЗАЕВ** – **Сирдарё вилояти ҳокими:** Хилда Хукэм. «Етти иклим султони», Дэн Сяопин. «Замонавий Хитойнинг асосий масалалари», Ли Куан Ю. «Учинчи дунё мамлакатларидан — биринчига. Сингапур тарихи (1965-2000)».

**Элдор ТУЛЯКОВ** – **«Тараққиёт стратегияси» маркази раҳбари:** Константин Душенко. «Сисётча ва журналист учун универсал иқтибослар тўплами» («Универсальный цитатник политика и журналиста»), Никколо Макиавелли. «Хукмдор», Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шەърий тўпламлари.

**Акмал БУРҲОНОВ** – **«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати раиси:** Теодор Драйзер. «Америка фожиаси», Харуки Мураками. «Чегарадан жанубга, қуёшдан ғарбга» («К югу от границы, на запад от солнца»), Ўткир Ҳошимов. «Икки эшик ораси».

## Таҳлил

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи туризм соҳаси ривожланишининг янги, юксак босқичига кўтаришмоқда. Жаҳондаги аксарият мамлакатлар таърибидан маълумки, туризм тарғиботида мунтазам равишда жиддий эътибор қаратилади ва тегишли ресурслар ажратилади. Тан олиш керак, бизда туризм ҳақида ахборот тарқатиш масаласида бажарилган ишлардан кўра, навбатини кутаётганлари анча кўп.

Шуниси аниқки, халқаро туризм ярмаркалари, конференциялар, семинарлардаги миллий компанияларимизнинг фаоллиги, мақсадли аудитория билан бевосита ишлаш, дунёдаги етакчи мулти-медиа платформалар, газета-журналлар ва телеканалларда берилаётган PR материалларни етарли дейишимизга ҳали эрта. Тўғри, хорижлик сайёҳлар учун республикамиз худудига кириш визаси енгиллаштирилди. Турист хизматлар сифати жиҳатдан сезиларли даражада яхшиланди. Худудлардаги туризм инфраструктурасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан молиявий кўмак берилмоқда. Пировардида сайёҳлар сонининг кўпайишига эришила бошланди.

Икки туризмда ҳам бир қадар ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Байрамлар сабаб мамлакатимизда эълон қилинаётган — «Олтин ҳафта» (Golden Week) дам олиш кунларида республика бўйлаб оилавий саёҳатга бориш халқимиз орасида яхши анъанага айланмоқда.



# Туризм тарғибот билан тирик

Мисол учун, ўтган Наврўз байрами кунлари марказий вокзал ва аэропортларимиздаги мисли кўрилмаган тирбандликни кўриб, тўғриси, хурсанд бўлдим. Туризмнинг реал жонлангани шу-да.

Тошкент шаҳрига келаётган ва аксинча пойтахтдан вилоятларга чиқиб кетаётган ҳамюртларимизнинг сон-саногий йўқ эди. Уларнинг орасида неваларали билан поездага ўтириб, бир минг бир юз километр олисдаги Хивага отланган оқсоқоллар ҳам бор эди.

Байрам кунлари шаҳарлараро чипталарнинг арзонлашиши, музей ва театрларнинг текин хизмат кўрсатиши, очик майдонлардаги концерт томошалари, янги меҳмонхоналар, ресторон ва ошоналарнинг махсус байрамона ҳолатлари кимни қизиқтирмайди дейсиз.

Аслида мамлакат нуфузининг ўлчов мезонлари қаторида туризм алоҳида ўрин тутди. Бунда хусусан, хорижликлар ва маҳаллий аҳолининг турли жойларни бевосита бориб қўришга қизиқиши, у ерлардаги шарт-шароит, табиатининг гўзаллиги ёки инсон кўли билан яратилган диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги эътиборга олинади.

Расмий маълумотларга кўра, 2018 йилда Ўзбекистонга 5 миллиондан зиёд хорижий сайёҳ таъсир бўлган, бу 2017 йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир. Уларга 795 туристик компания хизмат кўрсатган. Чет эллик сайёҳларнинг талаб-истаклари асосида туристик хизматларнинг турларини кўпайтириш масаласида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Маҳаллий аҳолининг ўзига хос миллий услубдаги шинам хонадонларидан меҳмон бўлишдан то эскилтириш ва лоқс саёҳатлар, саргузашт турлар, яъни тоғлар, дашту далаларга бориш, тўя-отларда юриш, чанғида учиб, ўтовларда тунаш, эво ва соғломлаштириш туризми, бетақор табиатдан завқ олиш, сўлим пансионатларда соғлиқни мустаҳкамлаш, шунингдек, яхши анъанага айланган зиёрат туризми ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мухими, келаётган сайёҳлар учун янгидан-янги қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизга виза олиш жараёни бир мунча енгиллаштирилди. Ўзбекистонда туризмни тезкор ривожлан-

ларни амалга оширишда ушбу йўналишда олиб борилаётган янги тадқиқотлар муҳим ўрин тутди.

Харакатлар стратегиясида назарда тутилган мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, шунингдек, жаҳон медиа маконини республикамиз ҳақидаги ҳолис

имиграцион шароитлар.

Хар қандай бренд шиори одамларнинг хотирасида дарҳол муҳрланиб қоладиган, унутилмас таъсир кучига эга, ёрқин ва бетақор бўлгандагина мақсадга эришишга хизмат қилади. Назаримизда, айрим хариталарда келтирилган Ўзбекистоннинг туристик шио-

РАСМИЙ  
МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,  
2018 ЙИЛДА  
ЎЗБЕКИСТОНГА  
5 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД  
ХОРИЖИЙ САЙЁХ  
ТАШРИФ БУЮРГАНКИ,  
БУ 2017 ЙИЛДАГИГА  
НИСБАТАН ИККИ БАРОБАР  
КўПДИР. УЛАРГА 795  
ТУРИСТИК КОМПАНИЯ  
ХИЗМАТ КўРСАТГАН.

берализация жараёнига эътибор қаратилади ва шу асосда маъно-мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин эътирофлар юзага келади.

«Халқ сўзи» газетаси «Ўзбекистонга келган сайёҳлар ўртасида тадқиқот ўтказилди. Натижа қандай?» сарлавҳаси остида мақола эълон қилди. Унда таъкидланганидек, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси 72 давлатдан келган 5,7 минг нафар сайёҳ орасида тадқиқот ўтказган. Маълум бўлишча, туристларнинг кўпчилиги дўстлари ва оила аъзолари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали берилган маслаҳатлар асосида Ўзбекистонга келишга қарор қилишган. Қолаверса, газета ва журналлар, телевизион ҳужжатли фильмлар ва янгиликлар дастурлари ҳам бу борада муҳим ўрин тутиши маълум бўлган.

Айни даврда мамлакатимиз туристик салоҳиятини янада самарали тарғиб қилиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бунда Президентнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда республикамизга дунёдаги 45 давлат билан фуқаролар учун туристик виза бекор қилингани ҳақида мақола эълон қилинди. «Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар дастуридан ўрин олган виза либерализациясининг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ», дейди америкалик журналист Катерин Путз.

ри — «Табиий бетақор!» (инг. Naturally irresistible) кутилган натижани бериши қийин.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, сўнгги даврда хорижий ОАВда Ўзбекистон билан боғлиқ чиқишларнинг кўпчилигини туризм мавзусидаги мақолалар ташкил этади. Масалан, АҚШда нашр қилинадиган «The Diplomat» журналада республикамизга дунёдаги 45 давлат билан фуқаролар учун туристик виза бекор қилингани ҳақида мақола эълон қилинди. «Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар дастуридан ўрин олган виза либерализациясининг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ», дейди америкалик журналист Катерин Путз.

Нью-Йорк шаҳрида анъанавий таърибда ўтказилмаган «The New York Times Travel Show 2019» йирик халқаро туризм кўргазмасида дунёдаги 150 давлат қаторида Ўзбекистон компаниялари ҳам иштирок этгани ҳақида «Халқ сўзи» газетаси («Дунё» ахборот агентлигига таянган ҳолда) хабар тарқатди. Қайд этилишича, «юртимиз вакилларининг ушбу тадбирда иштирок этиши туризм жаҳасида хорижлик шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиб имконини берди. Хусусан, «The New York Times» наشري билан «NYT Journey» бренди остида Буюк Ипак йўли бўйлаб жамоавий турлар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди». Хабарда таъкидланишича, кўргазмага «ташриф буюрувчилар Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ва Нью-Йоркдаги Бош консулликда АҚШ фуқароларига тезлаштирилган ҳолда электрон визалар бериш бўйича қулайликка алоҳида эътибор қаратишди».

«Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг сир-синоатга бой ўлкаси ҳисобланади. Мамлакатга виза олиш жараёни анча осонлашди. Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида таннишиш керак бўлган жойлар жуда кўп», — деб ёзади британиялик журналист Хейлз Плаш. «The Telegraph» газетасида эълон қилинган ушбу мақола «Ўзбекистон: сиз бориб кўришга энг аjoyиб мамлакат» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

«Россиялик туристлар Ўзбекистонга кўпроқ боришмоқда» деб номланган мақола «РИА Новости» ахборот агентлиги сайтыда эълон қилинди. Унда қайд этилишича, 2018 йил давомида ушбу мамлакатдан республикамизга келган туристлар сони 270 мингдан ошиб кетган. Бу кўрсаткич сайёҳлар оқимининг олдинги даврда нисбатан уч баробар ортганлигини тасдиқлайди. Мақолада Тошкентдаги Россия элчихонасининг консуллик бўлими раҳбари Иван Фетисовнинг Ўзбекистон аэропортларидаги божхона хизматлари бир мунча яхшиланиши ҳақидаги фикрлари келтирилди.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, уларда, биринчидан, туристлар учун Ўзбекистонда жозибдор худудларнинг мавжудлиги, иккинчидан, виза олиш билан боғлиқ ли-

тиришга доир Президент фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан мамлакатимизда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепцияси ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, фармонга кўра, 2019 йилнинг 1 февралдан 45 давлат фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий қилинди. Бу рўйхат тобора кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун ўлжай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкил чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февраль куни эълон қилинган фармонида мамлакатимиз туризм салоҳиятини тарғиб қилиш масаласи алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузурида «Миллий PR-маркази» ДУК ташкил этилиб, унга республиканинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилди. Фармонда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маърузачиларнинг таърибидан янги меҳмонхоналар, ресторон ва ошоналарнинг махсус байрамона ҳолатлари кимни қизиқтирмайди дейсиз.

Аслида мамлакат нуфузининг ўлчов мезонлари қаторида туризм алоҳида ўрин тутди. Бунда хусусан, хорижликлар ва маҳаллий аҳолининг турли жойларни бевосита бориб қўришга қизиқиши, у ерлардаги шарт-шароит, табиатининг гўзаллиги ёки инсон кўли билан яратилган диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги эътиборга олинади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратилган «Харакатлар стратегияси — юксалиш стратегияси» номи лойиха асосида чоп этилмоқда. (С/22)

# Дўмбиранинг мангу садоси

1 "Чунки улар (достонлар - Х.А.) халқимизнинг ўзлигини англашнинг буюк обидалари, уларнинг ягона халқ сифатида уюшиш, шаклланиш ва бирлашиш сари ташланган улкан қадамнинг шеърий соҳасидаги порлок намуналари сифатида юзага келди. "Алпомиш" достони халқимиз яратган ана шундай эпик шеърий намуналаридан бири, балки биринчиси. — деб таъкидлайди академик Тура Мирзаев "Алпомиш" достонининг 1993 йилги нашрига ёзган сўзида.



Шу кунларда Термиз шаҳрида бутун дунёдаги бахши, жиров, оқин, манасчи, шоир, ошиқларнинг бошини бириктирган фестивалдаги айтишлар Сурхоннинг барокатли баҳорига шукрона сингари жаранглади. Мангу оҳанглари оғушида саҳнага чиққан бахшилар шиддатда ҳам Алпомишу Барчин шаҳиди бордай кўринди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Биринчи Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: **"Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдилари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажа сари интилишлари ҳам муштарак эканини аниқлади"**, деб алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар ушбу халқаро анжуманининг нақадар муҳим аҳамият касб этганидан далолат беради, дунё халқларининг тинчлик-аҳиллик, бирдамлик ғояларини илғари суради. Клаверса, Президентимиз ташаббуси билан илкор ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман юртимизда ўтказилган "Шарқ тароналари", "Мақом" сингари халқаро фестиваллар қаторини тўлдириб,

қадим миллий маданиятимизни жаҳонга ёрқин намоян этишга хизмат қилади. Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев фестивал ҳақидаги ўз фикрларини шундай баён этди: "Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан айнан Сурхондарё вилоятида ўтказилаётган халқаро анжуман маънавий-маърифий аҳамияти, миллий қадриятларимизни жаҳонга ёйиши, мазмун-моҳияти билан ҳозирданок тарихнинг олтин саҳифасига зарҳал харфлар билан битилди, десам муболага бўлмайди. Анжуман баҳонасида бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, халқ оғзаки ижоди билан шуғулланадиган мутахассислар бир-бирлари билан яқиндан танишиб, тажриба алмашишади".

Меҳмонларни муносиб кутиб олишга тараддув кўрган шаҳарнинг жамоли мафтункор. Янги-янги кайфият касб этган халқаро аэропортидан бошлаб барча кўчалар, боғларни обод қилишда кўктам ҳам ўз хиссасини қўшгани кўришиб турибди. Фестивалда дунёнинг 74 давлатдан 160 дан зиёд вакиллар — жумладан, бахшилар, олимлар, фахри меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Очиғи, бахшичилик қандай санъат эканидан беҳабар эдим, — дейди индонезиялик ҳамкасбимиз — «Warta Jazz» интернет нашри ходими Агус Сетаван Басуни. — Термизга келиб, халқимизнинг меҳмондўстлиги, қадимий анъаналари ва санъатини кўриб, ҳайратга тушганимни яширмайман. Бизда ҳам дўмбирага ўхшаш мусиқа асбоблари бор. Ўзбекларнинг дўмбира жүрлигида айтаётган қўшиқларига тилмоч керак эмас, тингловчини беихтиёр ўзига мафтун этиб қўядики, таржимасиз ҳам тушуниш мумкин. Санъатнинг қучқудрати, асли шунда эмасми!"

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимидаги театрлаштирилган томошанинг бетақдорлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳқор бахши Раҳимов "Алпомиш" достонидан парча куйлаганида ҳаяжондан беихтиёр барчанинг кўзига ёш қалқиди.

Очиқ осмон остида, ўтовлар, тоғлар манзараси муҳассас саҳна ҳам ижро этилган қўшиқ, рақсларга ўзгача руҳ бағишлади. Достурдаги "Қирққиз" қорақалпоқ достони ва "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонидан парчалар, қозоқ жиров қўшиқларидан "Оқ эркам", янги саҳналаштирилган рақслар дилларга завок-шавқ улашди. Тадбирнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, шубҳасиз, шаҳар марказидаги марказий боғда ўттиз гектардан зиёд майдонни эгаллаган этнографик шаҳарчадир. Термиз археология музейи, хусусан, бу ерда очилган "Бахшилар" кўрғазмаси билан танишиб чиққач, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган жамоалар томонидан бунёд этилган этнографик шаҳарчани кўриб, бе-

ихтиёр қадим боболар замонида бориб қолгандай бўласиз.

Фестивалнинг ҳар бир куни янгиликларга бой бўлди: янги нашр этилган "Алпомиш", "Малла савдогар", "Олтин қовоқ" сингари достонлар тақдироти, турли мавзулардаги давра суҳбатлари, миллий ва дунё мамлакатлари таомлари тортилган дастурхонлар, либослар кўрғазмаси, хунарманд усталар, кулоллар, заргарлар яратган соғлар, уй-рўзгор, заргарлик буюкларини кўриб, асрий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ёдин-дунга тушади, қалбидингизда сўз билан ифодаб бўлмас ширин хотиралар уйғонади, фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Бу манзаларнинг туб моҳиятида эса, тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳроқибат, дўстлик туйғулари муҳассасдир.

Фестивал бахшилар макони қадим Сурхон заминидан ўтказилган билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Буюк Термизий бобо-



лар зиёрати, шаҳар ҳудуди ва унинг атрофида жойлашган қадимий Коратела, Фаёзтепа, Қокилдорота, Қирққиз сингари археологик ва мейморий ёдгорликлар тадбир иштирокчиларини миллий тарихимизга оид янгидан янги маълумотлар билан ҳайратга солди.

Қадим шаҳарни шарқий томонда бунёд этилган Султон Саодат (Сайидлар Султони) мажмуаси етти аср давомида шаклланиб Сайидлар сулоласининг йигирмага яқин мақбарасини ўз ичига олган.

Президентимиз бу муқаддас қадамнинг зиёрати асносида ушбу мажмуани янада ободонлаштириш, зиёратчиларга қўлайликлар яратиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди. Зеро, биз тарих қатларига қанчалик чуқур кириб бораверсак, қардош халқлар билан теран илдирилариб бир эканга амин бўлаверамиз, бирлашиб бораверамиз. Авлиёлар, аллома боболаримиз мақбараларини зиёрат қилиш учун бутун дунёдан келаётган эътиқодли кишилар, қолаверса, туристлар ҳам бизнинг биродарларимиздир. Улар юртимиз ҳақида ёрқин таассуротлар билан қайтишларида эса катта ҳикмат бор.

Халқаро фестивал доирасида



кўплаб тадбирлар, учрашувлар, концертлар, анжуманлар бўлиб ўтдики, уларнинг ҳаммасини санашнинг иложи йўқ. Лекин "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ва кўрик-танловнинг қамрови гоёт кенг бўлганини қайд этиш зарур.

Илмий-амалий анжуман иштирокчиси Франция Республикаси Илмий излашлар миллий маркази директори, профессор Жан Дюриннинг айтишича, "Ўзбек бахшичилиги санъати — дунёда жуда ноёб йўналиш. Бахшиларнинг достонларни бўғизда куйлашдан ҳайратланмай илҳомингиз йўқ. Тўғри, Францияда ҳам халқ дос-

тонлари бор. Лекин уларга бу даражада юксак эътибор, қизиқиш йўқ. Ўзбекистонда дунё бахшилари ва соҳа мутахассислари жамланган бундай нуфузли халқаро фестивал ташкил этилгани — улкан воқеа. Албатта, бу бошқа мамлакатларга ҳам ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ташаббус".

Фестивалнинг кўрик-танловига 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этганининг ўзи баҳсу мубоқага нақадар қизгин кенганидан далолат бериб турибди. Қатнашчилар ижро этган достонлардан парчалар, қуй, нағма ва термалар халқаро ҳақамлар ҳайъати томонидан халқ оғзаки ижодининг асл миллий хусусиятлари, бадиий-эстетик жиҳатлари, ижрочилик маҳорати, саҳна маданияти каби мезонлар бўйича баҳолаб борилди.

Фестивалнинг улкан утуғи ҳам аслида унинг халқлар дўстлиги, мамлакатлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга хизмат қилишидадир. Термизга кўплаб мамлакатлардан келган бахшилар "Алпомиш"ни ўз тилларида куйлаган бўлсалар ҳам, дўмбира садолари, туйғулар, асарнинг бизга берган сабоғи бир хил.

*Бобамерос саз ушласам қўшим,  
Сўз булоғи қайнаб келар тишим,  
Терма-достон айтар бўлсам эшим,  
Бўлбулдайин сайраб чиққан дўмбира,* — деб қўйлайди Ўзбекистон халқ бахшиси Шодмон бахши Хўжамбердиев "Дўмбира" термасида. Эндликда бахшиларимиз қўлида янграган сеҳрли дўмбира садолари бутун олам бўйлаб таралган улкан саҳнама — халқаро фестивалимиз бор.

Хумоюн АКБАРОВ.

## ➤ Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги фармони мазкур йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим омил бўлаётган. Ўзбошимчилик билан қурилган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинди. Бундай мулкка эгалик ҳуқуқи эътироф этилиши учун фуқаролар қимға ва қаерга мурожаат қилиши керак? Умуман, бир йил бурун бошланган тадбир қандай натижалар бермоқда?

"Hurriyat" мухбирининг ушбу саволларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси Узакбирен ЖАКСИМУРАТОВ шундай жавоб берди:

## Қайга борайин даъвога?

— Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган фармони ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги қарорига асосан фуқаролар ёки унинг қонуний вакили ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилади. Тегшли шартлар ва ариза тақдим этилгач, уни кўриб чиқиш учун давлат хизматлари маркази томонидан йигим ундирилмайди. Фақат бир марталик акция доирасида энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорига йигим тўланади.

Жорий йилнинг 1 апрель

холотига кўра, фуқаролардан мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан 500 миңдан ортиқ мурожаат тушган. Шундан 200 миңга яқинига ўзбошимчилик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқи берилган. Ушбу рақамлардан кўришиб турибдики, бу борада иш олиб бораётган жойлардаги комиссияларнинг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Комиссия аъзолари мурожаатларни кўриб чиқишда ҳанузгача мuddатни ўтказиб юбориб ҳолатларига йўл қўймоқда.

Ушбу комиссия таркибиде кадастр, қурилиш, ички ишлар, солиқ, экология, энгин хавфсизлиги, санитария идоралари вакиллари бўлиб, улар 200 миңга яқин мурожаатни кўриб чиқишда белгиланган мuddатга амал қилмаган. Худди шу хатога йўл қўйилган ҳолатларни Тошкент, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпроқ кузатиш мумкин.

Холида АХМАДЖОНОВА.

Ачинарлиси, жами 35 миңдан ортиқ мурожаат юзасидан комиссиянинг ижобий ҳуқосаси мавжуд бўлгани ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликларининг мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича қарорлари қабул қилинмаган. Бу эса, фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бундан қўринадики, фармон ва қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари етарлича тарғибот тадбирларини амалга оширмаётган. Комиссиялар фаолияти устидан таъсирчан ва тизимли назорат етарли даражада ўрнатилмаган. Ушбу ҳолатлар фармондан кўзланган муҳим мақсадларни амалга оширилишига монелик қилмоқда.

Адлия вазирлиги жойларда фармон ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида қатъи назоратни олиб бормоқда. Аниқланган қонун бузган ҳолатларни бўйича ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган 295 нафар комиссия аъзоси интизомий жавобгарликка тортилди. 33 нафари эгаллаб турган лавозимидан азод этилиб, 854 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўланди.

Шу ўринда фуқароларга бир марталик акция мuddатининг тугашига санокли қунлар қолаётганини айтиб ўтиш жоиз. Шундай экан, давлатимиз томонидан берилган бу имкониятдан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланиши учун мутасадди идоралар ўз вазифасига янада масъулият билан ёндошишлари талаб этилади.

Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тақлифига биноан АҚШнинг машҳур «National Geographic» (Photography life) телеканалы вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрди.

## "NATIONAL GEOGRAPHIC" — АНДИЖОНДА

Меҳмонлар бир ой мобайнида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, миллий қадриятларимиз, хунармандчилик намуналари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа жаҳалларини суратга олиб, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини тарғиб қилувчи фотоальбом яратди. Улар уч қун мобайнида Андижонда миллий кўғирчоқлар яратиш санъати, мисгарлик, зардўзлик, заргарлик, каштачилик каби санъат намуналарини тасвирга олди.

Назokat ЮСУФЖОНОВА.

## Бебаҳо мерос

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида "Бахшилар мактаби" ташкил этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни кашф этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни халқ оғзаки ижодининг бой хазинаси билан яқиндан таништириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.



Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ана шу ноёб санъатимизни дунёга тараннум этиш учун яратилаётган улкан имконият, беқимёс ғамжўрлик намунаси. Миллий достончилик ва бахшичилик санъатини янада ривожлантириш ёш авлод қалбига унга ҳурмат

ва муҳаббат туйғуларини кучайтириш, халқлар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик, дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган мазкур фестивалга қизгин тайёргарлик кўрилиб, кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказилмоқда. "Ўзбекистон" НМИУ томонидан "Ўзбекистон бахшилари" номли китоб альбо-

мининг нашр этилиши мазкур халқаро фестивалга муносиб тўхфа бўлди. Юртимизда яшаб ижод этган бахши-шоир ва оқинларнинг ижоди, улар ижро этган термалардан намуналар, шунингдек, кўплаб фотосуратлари жамланган мазкур альбомда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Бола бахши, Ислон шоир Назар ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли

каби ўнга яқин устоз бахшилар, Шоберди Болтаев, Қаҳқор Раҳимов, Қора бахши Умиров, Абдуназар Поёнов, Етмишбой Абдуллаев, Гулбахор Ақимбетова каби йигирмадан ортиқ мутасаддилик йилларида "Ўзбекистон халқ бахшиси" фахрий унвани билан тақдирланган бахшилар ҳамда устозларидан достон айтиш сир-асорларини ўрганиб, ёш бўлса-да, кўплаб ютуқларга эришаётган Феруз Норматов, Илхом Норов, Жанибек Пиязов, Лола Маҳаммаддинова, Саламат Аянов каби бахшичилик санъатининг ёш вакиллари ҳақида батафсил маълумотлар ўрин олган. Альбом тақдироти халқаро фестивал доирасидаги илмий-амалий анжуманда бўлиб ўтди.

► Рағбат

Ҳар баҳорда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ижод аҳли, уларнинг минглаб, миллионлаб мухлислари айни воқеани ҳаёгон билан кутади: "Бу гал "Олтин қалам" кимларга насиб этаркин?" Бу — табиий. Танлов, рақобат, мусобақа, рағбат бор жойда ҳаёгон бўй кўрсатмасдан қолмайди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу ижодий мусобақада ўтган йиллар мобайнида минглаб ижодкорлар ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этди. Уларнинг энг муносиблари танлов ғолиби ва рағбатлаштирувчи мукофотлари соҳиблари бўлди. "Олтин қалам" Миллий мукофоти уларга нима берди? Ҳаётида ва ижодиди қандай ўзгаришлар бўлди? Қандай ютуқларга эришди ва эришмоқда?

"Hurriyat" мухбири танловнинг турли йиллардаги айрим ғолибларига шундай саволлар билан мурожаат қилди ва куйидаги жавобларни олди.

## Ижод, илҳом ва юксалиш омили

Максуд ЖОНИХОНОВ, "Жамият" газетасининг бош муҳаррири:

— Ҳа, асосий муқаддам, "Халқ сўзи" газетасида бўлим мудирси сифатида ишлаб юрган кезларим, мазкур танловнинг матбуот йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилдим. Мукофоти топишига бағишланган тантанали маросимда бошловчи: "Ватан туйғуси, миллий мерос ва миллий қадриятлар мавзусидаги мақолалари учун" деб исм-фамилиямни эълон қилганида, ҳаёгондан титраб кетганим ёдимда. Ватан ҳам, миллий қадриятларимиз бебаҳо меросимиз ҳам бизнинг кимлигимизни, зиммаимиздаги фарзандлик масъулияти ва бурчини мудом англатиб, кўрсатиб тургучи бебаҳо иноятидир.

Ўтган йиллар давомида улкан эътироф рағбатдан илҳомланган истиклолимиз, азалий удумларимиз, меҳроқибат, санъатимизнинг

ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган ўнлаб мақолалар ёздим. Сўхбатлар ушатиридим. Материалларим ҳусусида устозлар, ҳамкасблар, танишу нотанишлар, газетачилардан илҳом сўзлар эшитдим. Таклиф ва эътирозларни ҳам эътиборимдан четда қолдирганим йўқ. Шуқр дейман. Доим ўқиб, ўрганиш ҳаракатидаман.

Биз, журналистлар давлатимиз раҳбарининг: "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олиё мезонидир" деган фикрларини қалбимизга жойлаб, эл-юрт манфаати йўлида астойдил меҳнат қилсак, асло кам бўлмаймиз. Ватаннинг раҳнаибига нимага тўсик бўлганди: бу ҳақда ёзиш, ёзганда ҳам улкан меҳр, шижоат, дадиллик, холислик ва самимият билан қозоғга тушириш вазифамиздир.

Муродбек ОТАЖОНОВ, Хоразм вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири:

— "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов журналистларини янада фаолроқ бўлишга, воқелика теран нигоҳ, катта масъулият билан қарашга давбат этади. Ўтган йиллар мобайнида ушбу мукофот ўз зиммасига юклаган хайрилик вазибани шараф билан адо этиб келмоқда, дейиш учун барча асосларимиз бор. У журналистларнинг янада самарали меҳнат ва ижод қилишида улкан илҳом, рағбат ва юксалиш омили бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатнинг интеллек-

туал ва технологик салоҳиятини ошириш, инновацияни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган кўрсатувларимнинг 2018 йили "Олтин қалам" Миллий мукофотига муносиб қилиниши фаолиятимизда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўз ишининг устаси бўлган ҳамкасбларим билан ҳамкорликда кўплаб янги лойиҳалар тайёрладик ва эфирга узатдик.

Кодир КОДИРОВ.

## Ташкилий кўмита йиғилиши

Шунингдек, танлов ғолибларига мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимни, жумладан, санъат усталари, ўзбек эстрадаси юлдузлари ҳамда ижодкор ёшлар иштирокида байрам концертини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Танловни ўтказиш жараёнида таниқли журналист ва экспертлардан иборат танлов ҳайъати шакллантирилди. Танловга тақдир этилган ижодий ишлар мавзусининг ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фуқаролик позицияси, танқидий — таҳлилий мушоҳада, сўзга масъулият ва ифода маҳорати мезонлари асосида баҳоланади.

— Анъанага кўра, жорий йилда ҳам бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари мазкур танловда ўз номинатсиялари билан иштирок этади, — деди Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобоқонова. — Жумладан, ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи, ЕХТТ, ЮСАИД. "Минтақавий мулоқот" (Словения), Германия Халқ университетлари ассоциацияси, Момем (Рэцца) муҳим ва долзарб мавзуларни қаламга олган журналистларни тақдирлайди. Бундан

ташқари, илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирилик қўлувидаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва "Росатом" давлат корпорацияси "Ўзбекистоннинг атом энергетикасини мавзуси ёритилган энг яхши материал учун" номинацияси билан иштирок этамоқда.

"Олтин қалам" XIV Миллий мукофоти халқаро танлов ғолиблари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини "Туркистон" саройида ташкил этиладиган тантанали маросимда тақдирланайди.

"Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови 2006 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Агар 2006 йили ўтказилган "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун танловда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2018 йили ўтган XIII Миллий мукофот учун танловда 520 нафар ижодкор 8500 га яқин материал билан иштирок этди. Умуман олганда, шу вақтга қадар танловда 6500 дан ортиқ журналистнинг 10 000 га яқин ижодий иши қўриб чиқилди. 280 нафар ҳамкасбимиз танлов ғолиби бўлди. Мазкур танловларни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш учун жами 3 165 640 000 сўм маблағ сарфланган.

# Журналистлар эзгу ғоялар аτροφиди бирлашса, дунё бирлашади



Ана шундай эзгу ҳаракатлар жараёнида журналист сўзи, журналист сўзининг масъулияти, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Анжуман иштирокчиларининг фикрича, ҳеч шубҳасиз, журналистларнинг ахборот мақоми ходимлари сифатида бутун дунёда тинчлик барқарор бўлишидаги ўрни бекиёс. Чунки дунёда содир бўлаётган воқеа-хотисалар ҳақида айтилган журналист сўзи мазкур воқеаларнинг омма томонидан қабул қилинишига катта таъсир кўрсатади.

Жанубий Корея Журналистлар ассоциацияси президенти Жунг Кию Сунг ОАВнинг Корея ярим оролидаги тинчликни сақлашдаги ўрни ҳақида шундай фикрларни билдирди: «Биз журналистлар — тарих солномачиларимиз. Лекин ҳар қандай замонда журналист учун эзгу интилишлар ва инсонпарварлик ғояларига дахлдор мавзуларга қалам тебратиш шарафли юмушдир. Бугун бизда ана шундай имконият мавжуд».

Шу маънода, бугунги анжуман нафақат кореялик журналистлар, балки бутун жаҳон журналистларининг дунёда тинчлик барқарор бўлишидаги миссияси нақадар улғу эканини аниқ бир намоён этди.

АҚШ профессионал журналистлар миллий жамияти президенти Жанет Марие Таркуний, эркин матбуотни келажак йўлини ёритувчи маф, дея таърифлади. Одатда, журналистлар бутун дунёда жамиятнинг кўзи ва қулқури деб юритилади. Журналистлар дипломат эмас. Улар сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар қизиқишлари ёки ўз шахсий манфаатлари қобидига қилиб кетмасликларини улар учун асосий мезон — одамларнинг тинч-тотув ҳаёти. Айниқса, воқеалар кўлами салбий томонга бурила бошлаганида, келишувлар ҳеч қандай натижаларга олиб келмаганида ёки вазият ўта чилгаллашганида журналист воқеалар ривожини ўз хулосаларига таянган ва пухта текширган ҳолда ёритиш лозим. Журналист фақат биринчи бўлиб хабарни етказишига эмас, балки ўзи билдираётган хулосанинг қонунийликка, халқаро ҳуқуқ нормалари ва, умуман, инсонийликка нечоғлиқ тўғри келишига ҳам эътибор қаратиши даркор.

Индонезия журналистлар ассоциациясининг одоб кенгаши аъзоси Гегух Сантос Корея ярим оролидаги тинчликни сақлаш режасини ёритишда айнан оддий одамларнинг, яъни халқ манфаатлари, оруз интилишлари етакчи ғояга айлиниши лозим, деб ҳисоблайди. Баъзида биз зиддиятли вазиятларни муайян таърифлар томонидан туриб ёритишга уринамиз. Журналист янги мижозларни келтириб чиқарувчилар ва бундан тор мақсадлар доирасида фойдаланувчилар домига тушиб қолмаслиги, аксинча зиддиятли ҳолатларда теран ва холис фикри билан омма онгига ижобий таъсир кўрсатиши лозим.

Хитойнинг SMG ахборот маркази директори уринбосари Зу Хаюкининг фикрича, биз, журналистлар дунёда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзимизнинг холис фикримизни билдиришимиз ва биз билдирган фикрнинг ана шу воқеаларнинг омма томонидан қабул қилинишига катта таъсир ўтказиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Германиянинг Die Welt ("Дунё") журнали репортёри Тереза Пфуетз-нур бу борадаги фикрларини давом эттириб, биз, журналистлар ахборот тайёрлаш ва уни узатишда реал воқелиқдан келиб чиқиб иш тутишимиз лозим, дейди. Воқеани айнан содир бўлаётганидек шарҳлашимиз зарур. Бу каби нозик масалаларда бизнинг воқеаларни қандай шарҳлашимиз кўп нарсани ўзгартириб юбориши мумкин.

Мулоқотлар давомида, кўп бора таъкидландики, глобаллашув жараёни тибора кучайиб бораётган ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари, жумладан, журналистларнинг яқин ҳамкорлиги, касбий биродарлиги, холислиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда, башарий эҳдидаги масъулияти тобора юксалмоқда. Журналистлар қўли қўлга берса, эзгу ғоялар аτροφиди бирлашса, дунё бирлашади.

— **Сиз ҳам конференцияда ўз маърузангиз билан иштирок этдингиз. Маърузада нималарга кўпроқ эътибор қаратдингиз?**

— Энг аввало, мазкур конференцияда мамлакатимиз номидан иштирок этишда амалий ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон Ташқи ишлар вазириликка миннатдорлик билдирдим. Мен ўз сўзимда анжуман мавзуси ўта муҳимлиги алоҳида эътибор қаратдим. Бугун бутун жаҳон ахли дунёда тинчликни асраш борасида беш қиртомқода. Шундай бир шароитда Корея яриморлида тинчлик насими эсаётгани, икки корей



давлати ўртасида ишонч муҳити вужудга келгани албатта биз, ўзбекларни ҳам қувонтиради. Халқимизда шундай бир ҳикмат бор: "Икки кишининг бўлса-да, орасига совуқчилик солиш — энг катта гуноҳ. Икки кишини бўлса-да, яраштириб қўйиш — энг улғу савоб".

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг яқин стратегик шериги. Юртимизга энг кўп сармоя (инвестиция) киритган мамлакат. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етмишдан ортиқ компаниясининг ваколатхоналари бор. Корея инвестицияси иштирокидаги беш юздан ортиқ корхона фаолият юртимокда. Сўнгги йилларда икки мамлакат раҳбарлари 14 мартаба учрашгани ҳам икки томонлама муносабатларнинг юксак динамикасидан далолат беради. Шу боис биз — ўзбеклар ҳам ушбу минтақада тинчлик ва барқарорлик мустақам қарор топишидан манфаатдор

— **Мен Корея яриморли билдан узоқда жойлашган бўлса ҳам, корей халқи биз учун беғона эл эмаслигини айтдим. Ўтган асрнинг 30-йилларида ўн минглаб корейлар Узоқ Шарқдан Ўзбекистонга кўчирилган. Ҳозир Ўзбекистонда уларнинг сони 200 минг нафардан зиёд.**

Юртимизда уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш, ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Республика корейслари миллий-маданият ассоциацияси ишлаб турибди. Ўз она тилидаги "Корё Синмун" газетасига эга. Улар ягона Ватан — Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритиб, унинг ривожини ўз ҳиссасини қўшиб келаятир.

Ўзбекистонда, айниқса, сўнгги икки йил мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида улғу ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тинчлик, барқарорликни сақлаш масаласига, миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенгликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш йўлида дадил қадамлар ташланди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, минтақадаги давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини самарали йўлга қўйилди, Афғонистон муаммосини ечиш бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида муҳим ташаббусларини илгари сурди. Бу ташаббусларнинг барчаси ўзбек журналистлари учун энг қайноқ ва энг долзарб мавзу сифатида қабул қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевни «2018 йил одами» деб эълон қилди. Бу эътирофга Ўзбекистон Президенти инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда тинчлик ва тотувликни асрашга қўшган катта ҳиссаси учун сазовор бўлди. Бунинг учун Осиё журналистлари ассоциациясига журналистлар номидан миннатдорлик билдирганимиз, анжуманнинг барча иштирокчилари катта олқишлар билан муносабат билдирди.

— **Мен ўз сўзимни буюк мутафаккир бобомиз Мир Алишер Навоийнинг қуйидаги дурдона сўзлари билан якунладим: Яхши инсонларнинг бири-бири билан яқинлашувига уларнинг яхши сўзлари сабаб бўлади. Шу билан бирга, сўз одами ҳалок қилиш хусусиятига ҳам эга.**

жамиятни ҳалокатга элтувчи куч эканини ҳам унутмаслигимиз зарур.

— **Анжуман дастурида Жанубий Кореянинг яна бир қанча шаҳарлари билан танишиш кўзда тутилган экан...**

— Ҳа, анжуман доирасида меҳмон мамлакатнинг бир қатор шаҳарлари ҳам бордик. Масалан, Сежон шаҳри Кореяда мавқега кўра, иккинчи ўринда турар экан. Асосий қисми тоғлардан иборат бу шаҳарга кўркам Айиқ водийсидан кириб борилади. Авваладиди адирликка ястаниб ётган Ботаника боғини томоша қилдик. Шу ерда Сежон мэри Лее Чон-Хее "Ақлли шаҳар" концепцияси асосида барпо этилаётган янги маъмурий марказ ҳақида гапириб берди. Мақсад — юксак тараққиёт бир жойда тўпланиб қолишига барҳам бериш, айни пайтда худудларни янада ривожлантириш. Сежон тамомила янгилик қилишмоқда. Бу ҳақда Жанубий Корея ҳукумати 2005 йилда махсус қарор қабул қилган. Шаҳар мэри берган маълумотларга кўра, ҳозир у ерга мамлакатнинг етмиш фоиз вазирилик ва идоралари кўчиб келган. Ташқи ишлар вазирилик, Мудофаа вазирилик каби бешта муҳим бошқарув тизими теъдил қолган. Сежон инновация технологиялар юксак ривожланган "Smart city" марказига айланади. Шу билан бирга, экологик тоза шаҳар бўлади.

Чуллабурто вилоятидаги Семангем шаҳри мэри Сонг Ха Жунг билан учрашдик. Семангем Сарик денгиз орасида қуруқликдан эллик километр ичкарида жойлашган орол бўлиб, у ерга денгизни ёриб ўтган 34 километрлик йўл орқали борилади. Бу йўл замонавий технологиялар воситасида сувни қочириб йўли билан қурилган. Дамба усулида денгизда барпо этилган йирик иншоот сифатида 2010 йилда Гиннес рекордлар китобига қурилган.

Жанубий Кореянинг табиий бойликлари деярли йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, Корея инсон интеллектига эътибор, юқори маълумотли ва ўта малакали муҳандис ва хизматчиларни тарбиялашга қаратилган миллий малака ошириш дастури туяғили юксак ютуқларга эришаётган давлат.

Олимлар шаҳри — Тежондаги Корея электроника ва телекоммуникациялар тадқиқотлар институтининг кўргазмалар залига борганимизда замонавий нанотехнология янгилликларидан хабардор бўлдик.

Тежон — илм шаҳри. Халқаро рейтинг ўнталлигига кирган, беш юзга яқин илмий тадқиқот институти бор. Бу ерда 8 минг илмий ҳодим ишлайди.

Инчон худуди мегаполис сифатида мухташамлиги билан ажралиб туради. Мана шу худудга қарашли Сонгдо шаҳри Орол устида барпо этилган. Бу ерда ҳукумат қарори билан 2013 йилда эркин иқтисодий худуд ташкил этилган. Шу ерда очилган Ўзбекистон — Корея бизнес маркази бўлди. Ўттиз уч қаватли бинонинг йигирма тўққизинчи қаватида жойлашган бизнес маркази ўтган йилнинг ноябрь ойидан иш бошлади. Асосий фаолияти — Ўзбекистон экспорт имкониятларини Корея ишбилармон доираларига кенгроқ таниш-

тириш. Шу мақсадда мунтазам фаолият юритувчи кўргазма ташкил этилган. Кўргазмага Ўзбекистон хунармандчилик махсуслотларидан то қимё сановати, тўқимачилик махсуслотларигага жойлаштирилган. Туризм салоҳияти, тарихий маданият ёдгорликлар тарғиботи йўлга қўйилган. Марказ бошқарувчиси Лининг айтишича, бу ерда доимий равишда конференциялар, семинарлар, давра сўхбатлари ўтказиб келинмоқда. Кўплаб ишбилармонлар марказда бўлган, Ўзбекистонга сафар ҳаракатини кўришмоқда.

Бугун 13 минг 500 талаба билим олаётган Инчон Миллий университети келажакда 80 фоиз хоржиқ талаба ўқийдиган максагна айланади. Талабалар сони 20 минг нафарга етказилади. 30 дан ортиқ кўпқаватли ва кўркам биноларга жойлашган мазкур дорилфунду ҳозир 30 нафар ўзбекистонлик талаба тахсил олаяпти. Талабалар мансуб бўлган мамлакатлар байроғи тикланган университет йўлидан кета туриб, Ўзбекистон байроғи ҳиллаб турганини кўриш қўнига алоҳида завқ бағишлайди, албатта.

— **Мамлакатларимиз журналистлари ташкилотлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишуви ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...**

— Ҳа, сафаримизнинг энг муҳим аҳамиятига эга жиҳати айнан мамлакатларимиз журналистлари ўртасида доимий алоқаларни ўрнатиш билан боғлиқ маросим бўлгани рост. Биз Корея Журналистлар ассоциацияси вакиллари билан бу борада аввал бир марта Москвада кўришганимизда, фикрлашиб олган эдик. Кейинчалик электрон воситалар орқали музокаралик олиб бордик.

Ниҳоят Сеулда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Корея Журналистлар ассоциацияси ўртасида журналистика соҳасида ҳамкорлик бўйича келишув имзоланди. Келишувдан мақсад — мамлакатларимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, журналистлар учун медиа турлар, ОАВ соҳасидаги муҳим ва долзарб масалалар бўйича ахборий сафарлар ташкил қилиш. Мамлакатларимизнинг йирик ОАВ ўртасида ўзаро борди-келдилар, ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш. Янгилинишлар жараёни ҳақида ўзаро ахборот айланиб бериш, ўзбек журналистларининг Корея Республикасининг йирик ОАВда малака оширишини ташкил этиш, таниқли корейлик журналистларнинг мамлакатимизда маҳорат дарсларини ташкиллаштириш. Шунингдек, ОАВ фаолиятига дахлдор бошқа ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш. Бу чора-тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг замонавий билим-умқималари, малакалари ошишига хизмат қилади.

Сўхбатимиз якунида сафар давомида ёзилган бир шеъримни газетачилар ҳўқимига хавола қилишни истар эдим:

## Ўзбекистон — Қурия

Кореялик ним Жун Кию Сунга

*Дейдиларки, бир инсондай яшай десанг, Сева билгин бу ҳаётда, сева севил. Ҳавоқушдан тушгандаёқ кўнлим ясан, Юрагимда пишган сўзга ўхшар Сеул.*

*Мен баймаман, бу ёқларга бир замоналар Сувон Мелу' боболари келганмикан. Мева-чева, китоб ташиб зўр карвонлар, Сувон' деган ном ўшандан қолганмикан?*

*Бир шаҳарга бордик яна, кўп мухташам, Тонига ўй тезиб ўтар, номи — Сежон. Яхши кўра "жоним" дейди ўзбеклар ҳам, "Жонинг керак" деса, сайқа қилеуси жон.*

*"Отинг не?" деб мен бир қиздан сўраган чоқ, Қийғоч боқиб, майин қулиб дер: "Униби". Яхши эмас, дейман, сўзни бузиб айтмоқ, Асли сенинг отинг булар Улибиби.*

*Танни санга улаб турсак қула-қула, Дугонасин исми унинг Хони экан. Мен айтдимки, аёлларга меҳр ша Бизда бир сўз айтмак русм "хоним" деган.*

*Ҳар кунга бир ҳикмат берган Қодир Эам, Пайшанбангининг завқи кетмай келар жуманг. Бизда ким қўн, Жумабой қўн, корейларда Боласини мард бўлсин деб атар Жумонг.*

*Йигитларин отлари ҳам ажаб турар, Бирови — Хун, ул бири — Тун, бу бири — Тонг. Бир-бирини кўрса, бошин ерга урар, Ана — иззат, мана — ҳурмат, қотасан донг.*

*Бошин ҳадеб эгаверса, бир пуштига Ўзбек бобо деганмикан: "Бор, қури-я"...Бу-ку ҳазил. Лекин жаҳон айвонида Мангу бордир Ўзбекистон, бор Қурия!*

— **Самимий сўхбатингиз учун раҳмат!**

Жобир ХҲАЖАҚУЛОВ сўхбатлашди.

1. Давийбтшунос олим.  
2. Кореядаги шаҳар номи.

Дунёда нима гап?

Тадбирлар мавсуми

МДХ Ижроия кўмитаси раиси — Ижроичи котиби Сергей Лебедев май ойида МДХ шафелигида қатор тадбирлар ўтказишини маълум қилди. Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар мулофаа вазирилари 5 май куни Россияда учрашув ўтказилади.



"31 май куни Ашхободда МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши бўлади. Ойнинг ўрталарида Душанбеда махсус хизматлар раҳбарлари учрашуви, икки ҳафтадан сўнг эса МДХ Парламентларо ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтади. Унда ассамблеяга яқинда қўшилган Ўзбекистон парламенти делегацияси ҳам иштирок этади", деди С.Лебедев.

Кибертаҳдид ва ҳимоя



Бугун бутун дунёда ахборот тизимларини киберхужумлардан ҳимоялаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Эстонияда 8 апрель куни киберхавфсизлик бўйича йирик машғулотлар бошланди. "Locked Shields - 2019" — "Ёпик қалқонлар" деб номланган ва 12 апрелгача давом этадиган ушбу машғулотларда ахборот тизимлари ва ўта муҳим инфратузилмаларини киберхужумлардан ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар синондан ўтказилади. Режага кўра, "Берилия" деган шартли ном билан аталмиш оролда жойлашган давлатда хавфсизлик соҳасида танг вазият вужудга келади. Бу аянчли вазият четдан кетма-кет уюштирилмаган "ғаразли ҳаракатлар" ва киберхужумлар асосида кечадими, натижада мамлакатнинг электр таъминоти, сув тозалаш тизимлари, жамоат хавфсизлиги тармоқлари ва бошқа муҳим инфратузилма объектларида жиддий носозликлар пайдо бўлиш хавфи туғилади.

"Locked Shield - 2019" тадбири НАТОнинг Таллиндаги киберҳимоя маркази томонидан Эстония ва Финляндия мудофаа вазирилари, АКШ қуроли кучларининг Европадаги қўмондонлиги ва Жанубий Корейнинг давлат хавфсизлиги тадқиқотлари институти кўмағида ўтказилмоқда.

Ҳар лаҳзада мазмун бор

Йиғилиш тугагандан сўнг таҳририятнинг таҳририяти журналистларидан бири Зибвуддин ака Орипов менга танбех берди: — Сиз бу гапни бир айтдингиз, бошқа гапнингиз. — Нега, кўнглимдаги гапни айтудим... — Агар битта ҳам нуқта-вергулига қўл теккизмасангиз, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — Уйлаб қолдим. Биздан кўра ҳаётни кўп кўрган, сўғиш шу соҳада қотган инсоннинг эътирозини қабул қилдим. Лекин баъриб Абдумуталиб Абдуллаевнинг кейинги мақолаларидан ҳам олам-олам завқ олардим. Шу орада журналистнинг "Шалқак"нинг эгаси қим?" деган мақола ҳам қолди. Уша даврга хош бўлган иллат — нобб товарларга "шалқак" қўйиб сотиш ҳақида аниқ манзилли чиқиш анча шовшувга сабаб бўлди. Абдумуталиб Абдуллаев машҳур бўлиб кетди. Яна бир-икки йил ўтган, муҳбиримиз Андижон вилоят обкомига ишга ўтди.

Зеленский сафдошлари тайёр

Украина президенти лавозимига номзод Владимир Зеленскийга НАТОнинг собиқ раҳбари Андерс Фог Расмуссен жаҳон ҳамжамияти етакчилари билан алоқа ўрнатилди.



Унинг бу ҳақдаги баёноти Зеленскийнинг Ялта ва Европа стратегияси бошқаруви раҳбарлари билан учрашувидан сўнг маълум қилинди. "Янги сайланган Президентга Европа Иттифоқи, Брюссел, Берлин, Париж ва Вашингтон билан илҳом борича тезроқ нормасий алоқа ўрнатиш зарур", деган Расмуссен. Учрашувда Зеленский унинг жамоаси муҳим лавозимларга номзодларни белгилаб олгани ва уларнинг қимлигини сайловларнинг иккинчи босқичига маълум қилишини айтган. Сайловнинг иккинчи босқичи 21 апрелга белгиланган.

Сайлов натижалари қандай?

Туркияда 31 март куни ўтган маҳаллий сайловларда тўпланган овозларни ҳисоблаш жараёни якунига етди.

Мамлакатда муниципал сайловлар беш йилда бир марта ўтказилади. 81 муниципалитет, пойтахт ҳамда мамлакатнинг барча йирик шаҳарларидан жами 57 миллион сайловчи овоз беришда қатнашди. Хабарларга қараганда, жараёнда зўравонлик ҳолатлари ҳам юз берган, икки сайловчи Малаатья шаҳрида (мамлакат шарқида) отиб кетилган. Ушбу сайловлар муҳим сиёсий аҳамиятга молик тадбир бўлиб, 2018 йилнинг июнидаги навбатдан ташқари президентлик сайловларидан кейинги энг йирик умуммиллий референдум деб баҳоланмоқда.



2002 йилдан буён сайловларда узлуксиз ғалаба қозониб келган Адолат ва Тараққиёт партиясининг асосий рақиб бу гал муҳолифатдаги сўл марказчи фирка — Республика халқ партияси бўлди.

Айни пайтда Президент Ражаб Тоййиб Эрдоган мамлакат пойтахти Анкара ва стратегик аҳамиятга эга шаҳар — Истанбулда бу борада имкониятни бой бергани маълум бўлди. Аввалги сайловда Эрдоган тарафдорлари 52,59 фоиз овоз олиб, ғалаба қозongan эди.

Депутатлар, хушёрроқ бўлинг!

Словакияда давлат раямларига оид қонунга тузатишлар киритилиши кутулаётган эди. Парламент депутатлари мамлакат Президенти Андрей Кискадан ўзлари қабул қилган ушбу қонунни имзолашмасликни сўради.



Чунки ҳужжатда ўзга давлатлар мадҳиясини ижро этишга чекловлар киритилгани маълум бўлиб қолди. Қонун моддаларидан бирида оммавий тадбирларда бошқа давлатларнинг мадҳиясини фақат ўша давлатларнинг расмий делегациялари иштирокида ижро этиш белгиланган. Ушбу моддани бузганлик учун етти минг евро жарима кўзда тутилган. Айнан шу масалада депутатлар ўз фикрини билдирди. "Венгрия мадҳиясини Словакияда ижро этиш тақиқлашни икки давлат ўртасидаги кескинликка сабаб бўлади", деди депутат Жолт Симон. Бела Бугар эса 108 нафар депутат ха-

тога йўл қўйганини тан олди. Петер Анталнинг фикрига қараганда, депутатлар "фақат" сўзига эътибор беришмаган ва бу сўз бошқа давлатлар мадҳиясини ижро этиш чекламини сабаб бўлган. Бугарнинг сўзларига кўра, Президент уларнинг илтимосига жавобан қонун лойиҳасини имзолашмасликни билдирган ва депутатларни ўзлари овоз бераётган қонунларни қайта кўриб ва ўқиб чиқишга чақирган.

Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэй мамлакатнинг Европа Иттифоқидан чиқиш санагини ортга суришни сўраган эди.

Фуқаролик паспортидаги ўзгариш

ББСнинг хабар қилишича, шунга қарамай, 30 мартдан Буюк Британия фуқароларига муқоссада "Европа Иттифоқи" сўзлари бўлмаган паспортлар берили бошланган. Британияликларга ушбу ёзув бор паспорт ҳам берилиши мумкин. Лекин уларда ҳужжатнинг икки туридан бирини танлаш ҳуқуқи йўқ. ББС хабарига, бу ҳолга қолган паспорт бланкаларини ишлаштириш ва солиқ тўловчиларнинг маблагларидан унумли фойдаланиш мақсадида тўтилган йўл, дея изоҳ берилган.



2019 йил октябрдан Британия паспортининг муқоссаи ЕИ мамлакатларида умумқабул қилingan қирмизи рангдан тўқ кўк ранга ўзгариши кутулмоқда.

Интернет хабарлари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

Тарбия

— Сўнгги вақтларда ўғлим уйга турли хил ширинликлар олиб келадиган бўлиб қолди, — дейди қўшним. — Мен унга кундалик ҳаракатлар учун берган пулга ортиқча нарса олиб бўлмайдим. Сўрасам, ўртоғим олиб берибди, деди. Эртасига ўртоғини чақириб, пулни қасрдан олаётганини сўрадим. Қўрқа-писа: "Ойим берибди", деди. Уқитувчига учрашиб, боланинг ота-онаси билан гаплашишини сўрадим. Маълум бўлишича, бола пулни уйдан сўроқсиз оларкан.

"Бойвачча" ўқувчилар

ёки мактабда ўқийдиган фарзандингизга қанча пул берасиз?



Фарзандимиз дунёга келганидан бошлаб тўғри тарбия беришга ҳаракат қилар эканмиз, унга яхши-ёмондан ажратиш, биронинг ҳақиқа хўнаб қилмасликдан то ёлғон сўзла-масликкача уқирамиз. Агар нурийдидимизнинг онгини ёруғлик билан тўлдиролсан, бу сабоқларга унингнинг охирига қадар амал қилиб яшайди. Зеро, ота-она тарбияси бола учун умри давомида биринчи ва ҳал этувчи ибрат бўлиб қолади.

Бола кўпгина тарбия мезонлари қатори, пулга қандай муносабатда бўлиши ҳам аввало ота-онадан ўрганади, — дейди психология фанлари номзоди доцент Одина Отажонова. — У пулнинг ималиги-ю, қандай ишларга қодир эканини тушунгандан сўнг кизиқиши ортади. Келажакда инсоннинг пул билан қандай муомалада бўлиши, болагидан олган тушунчаларга боғлиқ. Аввало, унинг меҳнат орасидан келиши ва уни қандай вазиятларда тежаш кераклигини англаб етиши зарур. Баъзи ота-оналар пул орқали ўз меҳрини кўрсатмоқчи бўладилар. Аслида, унга пул ҳаётини эҳтиёж эканлигини тушунтириш жоиз.

Фарзандимизнинг дарсдан чиқишини кўтиб, атрофини кузатаман. Ўқувчиларнинг қўлидаги даста-даста пулларни кўриб, ўйланиб қолман. Наҳотки, уларга ота-оналари шунча пулни ўйламай бериб қўйса? — Ўқувчиларга пул бериш керак, — деб фикрини давом эттиради олима, — лекин унинг миқдорини ота-она ҳар доим назорат қилиб бориши лозим. Оилаларнинг имкониятлари турлича бўлади. Айримлар кўпроқ пулни боланинг кундалик ҳаракатларида берса, базиларининг бунга қўриб етмайди. Шунда болалар ўртасида табақаланиш рўй беради. Яна бир ҳолат, пул боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир қилади. Масалан, боланинг чўнтагида кўпроқ пули бўлса, уни ҳар хил кераксиз ичимликлар ҳам ўнгиларга сарфлайди. Дарс пайтида эса нималар харид қилишни режалаштиради. Қарабсизки, фикр-хаёли, тарбияси, маънавияти бузилди.

Була уйдан нима учун сўроқсиз пул олади? — Агар ота-она фарзандига керагидан ортиқ пул берса, бола бунга ўрганиб қолади. Берилмаसा, чора излашга тушади. Хатто ўғрилликка қўл уриши мумкин. Чунки у катта ҳаражат қилиб ўрганган. Энди қандай ва қайси йўл билан бўлса ҳам пул топишга ҳаракат қилади. Шундай



Суратда: Абдумуталиб Абдуллаев (ўнгга) ҳамкасблари даврасида.

"Алуштаннинг эртаги", "Ишққа даво йўқ" китоблари, ижодкор сўзининг йиллар мобайнида тақомилга етишини кўрсатди. Журналист ҳаётнинг турфа хил манзараларини қаламга олар экан, йирик жанрларга ҳам мурожаат этди. Чунотки, "Умри, бир синоат" ҳужжатли қиссаси тиббий соҳасидаги фидойи замонадошимиз интилишларини ёритса, "Мовароуннахр" нашриётида чоп этилган "Қақш" сарлаҳали китоби инсон эътиқодининг эзгу мевалари ҳақида қўлига қилади. Шунингдек, "Йил йиғламансин", "Муҳаббат мактублари", "Андижоннома" мутобиқлари каби китоблар ҳам китобхонларга манзур бўлди.

Меҳнат фалояти давомида қўлаб ёшларга устозлик қилди. Унинг устоз-шогирдлик масаласида ўз қарашлари бор. — Агар нарқош ўз шогирдига маҳорат сирларини ўргатмоқчи бўлса, шахсан мулоқотда бўлиши, илк дақиқадан нобб буюмлар ясашига кўрсатиши керак. Бизнинг соҳада қандай? Қоғозга қаламни қандай юриштириш кераклигини кўрсатмаймиз-ку. Мен ўзим ихлос қўйган устозларимни ҳаётда кўрмаган бўлишим мумкин, шогирд сифатида уларнинг асарларини синчиқлаб кузатиш орқали ёзишни ўрганиб келганман. Ижоднинг илоҳийлиги шундан.

Агар шундай мезон билан ёндашадиган бўлсак, Абдумуталиб Абдуллаев ярим асрлик ижодий фалояти давомида қанчалар ёш қаламқашларга намуна бўладиган асарлар яратди. Қаҳрамонимиз қайсида йили вилоятнинг чекка ҳудудларидан бирида кичик бир жанжалнинг устидан чиқади. Нима гап, деб қизикса, оддий бир одам ҳўжал раҳбари адолатсизликдан норози бўлиб турган экан. — Устингиздан шикоят ёзмаман-да, Андижонга, тўғри Абдумуталиб Абдуллаевга арз қиламан. — Сиз у одамни танийсизми? — сўрашди арзчидан. — Йўқ, кўришмаганман, лекин ёзган мақолаларидан ниҳоятда ҳақиқатпарвар одамлиги кўриниб туради. — Ахир, манови одам сиз айтган Абдуллаевнинг ўзи-ку... — У одам бу ерга келган меҳмонга қараб: — Йўғ-э, бу кишининг гавдаси ушоққина-ку, мен билган Абдуллаев басавлат, баланд бўйли бўлиши керак. Абдумуталиб Абдуллаев масалани жойида ўрганиб, адолатни тиклашга ёрдам берди. Бу ҳақда таҳририятга шикоят ёзишга ҳожат қолмади. — Ижодда маҳоратни ҳар ким ўзинча кашф қилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Халқнинг қалби ёқадиган қилиб ёзиш кераклиги ҳақида кўп айтишади. Бунинг учун халқ билан ханма-фас бўлиш керак. Яқинда Хўжаободдан Андижонга қатнайидиган автобусга ўтирдим. Одамлар суҳбатига қўлоқ тутсам, нақд ҳаётнинг ўзи намоян бўлади. Бир киши шеригига айтди: "Беш қўлни, хатто ўн қўлни озгина

Таҳририятдан: Фарзандларимизга таълим-тарбия бериш масаласида кичик нарсаини ўзи йўқ. Мақолада тилга олинган мавзу бизнингча, шу маънода жуда муҳим. Уйлаимизки, Халқ таълими вазири ўз муносабатини билдиради.

Наргиза БОБОМУРОВА.

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2018 йилнинг 31 мартдан 2019 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда chop этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2019 йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади.

### ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ УЧУН КҮЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

### АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари — 1-, 2-, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдори-

да пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР:

Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал;

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун;

Энг яхши фоторепортаж; Энг яхши матбуот хизмати; Мазкур номинациялар голиблари диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

“Олтин қалам” танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харajatлар Ўзбекистон ижодкорларини кўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават.  
Телефонлар: (71) 244-64-61; 244-37-87  
www.Journalist.uz

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

### Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиозиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

### Танловга юборилган материалларга куйидаги илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);  
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;  
- паспорт нусхаси.

Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими 2019 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

### Илова

### “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ДОИРАСИДА МИЛЛИЙ ХАМКОРЛАР ТАЪСИС ЭТГАН НОМИНАЦИЯЛАР:

#### Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши:

“Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун”;

“Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун”.

#### Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:

“Худудий янгиликларни ўзига хос услубда босма ва интернет нашрларида ёритган журналист”;

“Интернет тармоғида юртимизнинг ижобий имиджини оширишга қаратилган мақолалар тайёрлаган журналист”;

“Хукуматимиз томонидан коррупцияга қарши курашишда олиб борилаётган ислохотларни таҳлилий ёритган журналист”;

“Давлатимиз томонидан кам таъминланган оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида тайёрланган таҳлилий мақола”.

### “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ:

#### 1. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:

1. “Журналистнинг ахборот олиш имкониятини масалалар”.

2. “Журналистларнинг профессионал фаолияти ҳимояси учун”.

#### 2. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси:

1. “Ўзбекистоннинг ташқи савдо сийосати ривожига тўғрисидаги энг яхши материал учун”.

2. “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеохисобот (блог, видео-фильм ёки бошқа визуал маҳсулот) учун”.

#### 3. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси:

“Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли”.

#### 4. Америка Қўшма Штатлари элчихонаси:

“Иқтисодий ва ривожлантиришда Америка — Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун”.

#### 5. Россия Федерацияси элчихонаси:

“Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун”.

#### 6. Туркия Республикаси элчихонаси:

1. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун”.

2. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун”.

3. “Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун”.

#### 7. Хитой Халқ Республикаси элчихонаси:

1. “Ўзбек — Хитой икки томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун”.

2. “Бир макон — бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик мавзусига бағишланган энг яхши материал учун”.

3. “Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун”.

#### 8. Project HOPE (AQSH):

1. “Босма/интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун”.

2. “Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши теле/радио материал учун”.

3. “Сил касалига мубало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касалига мубало бўлганларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш) мавзусидаги материал учун”.

#### 9. “Минтақавий муколот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения):

“ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун”.

#### 10. DVV International (Германия):

“Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли” тўғрисидаги материал учун”.

#### 11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва “Росатом” давлат корпорацияси:

“Ўзбекистоннинг атом энергетикаси мавзуси ёритилган энг яхши материал учун”.

#### 12. МОМЕМ (РЭЦА) — Европа Иттифоқининг молиявий ёрдами:

“Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг муҳимлигидан аҳолининг хабардорлигини ошириш, сув муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисида”.

1. Энг ахборотга бой видеорепортаж;

2. Энг яхши фоторепортаж;

3. Энг ахборотга бой матнли мақола (босма ёки интернет ОАВ).

## Мулоҳаза

Шу кунлари мактабда ўқиган, қизалоқлик пайтларимни тез-тез эслайдиган, бугунги воқеаларга қисқайтирилган бўлиб қолдим. Бунга фақат ёшим улғайиб, тажрибам ошиб бораётганигина сабаб эмас.

## Икки зиёли

Қийслаб, бугунги кунни чароғон, истиқболи фаровон давримиздан дилда беадад шукроналар тўйсам, сунъий равишда пайдо бўлаётган таассурот қолдирадиган айрим муаммоларни кўриб, ҳайрон қолман. Масалан, болалик кезларимда ҳафтанинг деярли ҳар кунни каттақон хуржунни ва қопини эшагига ортмоқлаб, ҳовлима-ҳовли, уйма-уй, идорама-идора бош суқиб юргувчи пўтчачи амаки кўз ўнгимда намён бўлади. Амакимиз алоҳида маълумоти йўқ, омироқ одам эди. Лекин ҳар бир хонадонга даста-даста газета-журнал ташлар экан: “Менавнэ ўқинглери, ширақларим, ўкенглер!..” деб таъкидлашдан асло чарчамасди. Ўқирдик. “Жеткиншек”, “Гулхан”, “Балдирган”, “Амударё”, “Фан ва турмуш”, “Саодат”... Газета-журналларни илҳақ кутардик. Тахлаб, авайлаб асраб кўярдик. Сўраганлар билан баҳам кўрардик. Уларда chop этилган мақола-ю суҳбатларни муҳокамалар қилардик.

Мен ҳаётимда не бир ютуқларга эришган бўлсам, эгаллаган билимим туфайли, деб биланман. Билимни эса инсон нафақат мактабу дорилфунун, китоблардан, балки газета-журналлардан ҳам олишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Газета-журналларнинг инсон ҳаётида, унинг камолотга эри-

шишидаги аҳамияти бекиёс. Дунёқарашини шакллантириш, маънавиятини юксалтиришда босма нашрларнинг ўрни гоёт катта.

Бир касбдошим ёздадики, уларнинг овулида бир ажойиб одам бор. Чўпон. Ҳар жума пешинда тогдан даста тушади. Бир даста газета-журналга обунга бўлган. Ўша кун, ўша соатда чайласига келиб, нашрларини кутади. Сўнг уларни олиб, яна эшагига минади-да тоққа, отарининг олдига жўнаб кетади.

“Кўпинча газета-журналларни унга ўзим олиб бориб беришга ҳаракат қилман, — дейди танишим. — Овулдошим мени пўтчачи деб уйласса керак. “Қалай? Қизиқарлими?” деб сўрайман, қўлига газета-журналларни тутказар эканман, баъзан ундан. У “зўр” дегандек бош бармоғини кўрсатади. Иккаламиз ҳам завқланиб кетамиз! Назаримда, шу бир инсон — чўпоннинг завқи, саодати ва рағбати учун ҳам бир умр газета-журнал чикарсанг арзийди...”

Мен болалик хотирларимда қоп пўтчақлаганча қолган пўтчачи амакин эслайман, эшагида тоғ сари ўрлаётган Чўпонни кўз олдимга келтираман. Мутולהага меҳр кўйган шу икки Зиёлига ҳавасим келади.

**Кўндуз ЖУМАГАЛИЕВА,** журналист.

## Сана



## Соҳибқиронга эҳтиром

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан улуг аждодларимизнинг муборак номлари, хотирасини тиклаш, бой меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буни айни кунларда Амир Темуру таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган кўпдан-кўп маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ана шундай тадбирлардан бири аёнага кўра пойтахтимиздаги Амир Темуру номи билан аталувчи хиёбонда бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган

дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Юртимизда катта ғайрат-шижоат билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар Амир Темуру бобомизнинг дунёқарашига моҳиятан уйғундир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари

кўшма мажлисидаги маърузасида «Буюк соҳибқирон Амир Темуру бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чўқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур», деган эзгу даъвати улуг аждодимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг бардавомлигидан далolatдир.

Тадбир иштирокчилари Соҳибқироннинг муҳташам ҳайкали пойига гуллар кўйдди. Мудофаа вазирилиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ўз маҳоратини намойиш этди.

Шу кунги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида филология фанлари доктори Баҳоидир Эрматовнинг “Амир Темуру Фарбий Европа адаблари нигоҳида” китоби тақдими ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги институтида ҳам Соҳибқирон таваллудининг 683 йиллигига бағишланган “Амир Темуру — фахримиз, ифтихоримиз” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**Феруза БЕРДИЕВА.**

## Тафаккур

### Соҳибқирон ўғитлари

Тажрибамда кўрилганким, ази қатъий, тadbиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради.

Амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим: биринчиси — асиллик ва тоза наслик, иккинчиси — ақл, фаросатиллик, учинчиси — сипоҳу раият аҳолидан хабардорлик, уларга нисбатан ҳушмуомалалик, тўртинчиси — сабр-чидамлик ва тинчликсеварлик.

Дўст-душманни мурсаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада орди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка алмашди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим. Давлатим ва салтанатим кўёни кўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган яхши-ёмон одамлар, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, салтанат тахтига ўтирганымдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга кўйдим. Ўзимни уларнинг ёмонликларини унутгандек тутиб, ёмон қилмишлари дафтери устига афв қаламини тортдим.

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламага топиштрим. Иш кўрган, синалган, шижоатли эр-йигитларни қoшимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувий юбордим.

Очиқ юзлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

**“Темуру тузуқлари”дан.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудирини **Мурод АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия ихор этакди.

“Hurriyat” мустақил газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг бош муҳаррири Абдурасул Жумақуловга падари бузруквори **ПАРДА отанин**г вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**HURRIYAT**  
Муассисе:  
Ўзбекистон  
Журналистлари  
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир  
**Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ**  
Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.  
Баҳоли келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.  
Адали: 2600  
Буюртма — V-3291  
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (0-371) 244-32-80  
Режама ва маркетинг бўлими:  
(0-371) 244-32-88  
Обуна индекси:  
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233  
Топшириш вақти — 20<sup>м</sup>  
Топшириш — 20<sup>м</sup>

Миллийлик: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@zhurriyat.uz  
Газета таҳририят компьютер марказида териди ва дизайн А.Содиқов томонидан сохталанди.  
Навбатчи: Қ.Очилов, Мусаҳҳид: Ш.Убайдуллаева.  
“O'zbekiston” НМИУ босмаҳонасида chop этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.